



МУҒАЛЛИМ ҲАМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ

Илимий-методикалық журнал

№ 5 2024

гуманитарные науки
естественные науки
технические науки



МУҒАЛЛИМ ҲАМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ



Илимий-методикалық журнал

2024

5-сан

*Ўзбекистан Республикасы Министрлер Кабинети жанындагы
Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының
25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды*

*Қарақалпақстан Баспа сөз ғәм хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды.
№01-044-санлы ғуўалық берилген.*

МАЗМУНЫ

ТИЛ ХАМ АДЕБИЯТ

Ibodullayeva S.M. “Kecha va Kunduz” romanida “Begonalik” tushunchasini ifodalovchi undalmalar	7
Haydarova G.M. O‘zbek tilining izohli lug‘atida yasama so‘zlardan foydalanish holati	13
Axmadaliyeva M. Sh. Ijodiy jarayonning mangullikka yo‘g‘rilishi	20
Sattorova Sh.R. Xorijiy tillarni badiiy adabiyot asosida o‘qitishning ilmiy-nazariy tahlillari	25

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Давлетмуратов Ж.К. Техникалық бағдардағы жоқарғы оқыў орынларында «Материалтаныў» пәнин оқытыўда педагогтың креативлигин арттырыўдың нәтийжели жоллары	31
Икромов М.Х. Технология фанини ўқитишда рақамлаштирилган таълим ресурсларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари	38
Ахмаджанов Д.Б. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда шарқ мутафаккирларининг маънавий-ахлоқий таълимотларидан ғоявий омил сифатида фойдаланиш	44
Murtozayeva M.M. Voyaga yetmagan bolalarda salbiy hulqning namoyon bo‘lishi va ularni bartaraf etishning ijtimoiy-pedagogik tendentsiyalari	51
Mavlanov Sh.Yu. Ta‘lim jarayonida pedagogik atamalar mazmunini modernizatsiyalash va ulardan foydalanish funktsiyalari	56
Qodirova M.A. Oliy ta‘lim muassasalarining ingliz tili yo‘nalishi talabalarida refleksivlikni rivojlantiruvchi omillar	62
Begmatova S.N. Tayanch kompetensiyalarni aniqlash muammosi ta‘lim mazmunini yangilashning markaziy masalalaridan biri sifatida	67
Choriyeva G.Sh. Biologik ekskursiyalar – o‘quv ishlarining tashkiliy shakli sifatida	70
Karimova N.A. Maktab biologiya ta‘limida o‘quvchilarni kasbga yo‘naltirishda pedagogik-psixologik xususiyatlari	76
Xalmuratov I.T. Qadriyatli yondashuv asosida talabalarining innovatsion faoliyatini rivojlantirish	80
Ergashev J.M. Didaktik o‘yinlarning ta‘limiy va tarbiyaviy ahamiyati	85
Orinbetov N.T. Umumiy va kasbiy kompetensiyalarni egallashni ta‘minlaydigan fanlar va amaliyotlarga qo‘yiladigan talablar	92
Ochilov X.A. Oliy ta‘lim muassasalarida rahbar kadrlarni boshqaruv kompetentligini takomillashtirishning amaliyotdagi ahamiyati	98
Ismoilova Yu.T. Pedagogik muloqot jarayonidagi konfliktlar va ularni bartaraf etish yo‘llari	107
Sattorova M.A. Maktab ta‘limida bo‘lajak defektolog mutaxassislarini inklyuziv tayyorgarligini rivojlantirish muammosi	114
Jumamurodova U.M., Aliqulov L.Sh. Pedagogika fanida qo‘llaniladigan interaktiv metodikalar	120
Xolboyev A.M. “Hamkorlik zanjiri” asosida talaba-yoshlarda vatanparvarlik tuyg‘usini shakllantirishning o‘ziga xos pedagogik jihatlari	124
Ahadov A.M. Modernizatsiya jarayonida bo‘lajak o‘qituvchilarda axborot xavfsizligini ta‘minlash ko‘nikmalarini takomillashtirish omillari	131
Eshmurodova G.X. Mehribonlik uylarida pedagogik muammolarining tadqiq etilishi	137
Murodova F.G’. Og‘zaki nutq malakasini baholash mazmuni, shakl vositalari va mezonlari. audio vizual dars tashkil etish	150
Suyunov I.E. Axborot kompetentligini rivojlantirish orqali bo‘lajak o‘qituvchilarning kasbiy nutqini takomillashtirish pedagogik muammo sifatida	154
Аляминнов Х.И. Талабаларининг инновацион тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш омиллари	159
Mirzaboyev Yu .A. Kompetensiya va kompetentlikning pedagogik –psixologik xususiyatlari	164
Saxibov A.X. Chaqiruvga qadar boshlang‘ich tayyorgarlik fanini zamonaviy axborot texnologiyalari yordamida o‘qitish	171



БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИДАН ҒОЯВИЙ ОМИЛ СИФАТИДА ҒОЙДАЛАНИШ

*Ахмаджанов Д.Б.
ЧДПУ доценти*

Таянч сўзлар: шарқ мутафаккирлари, ахлоқий қадриятлар, маънавий юксалиш, масъулият-лилик ва адолат, инсоний ҳуқуқлар ва қадриятларга ҳурмат.

Ключевые слова: восточные мыслители, моральные ценности, духовный подъем, ответственность и справедливость, уважение к правам человека и ценностям.

Key words: eastern thinkers, moral values, spiritual uplift, responsibility and justice, respect for human rights and values.

Резюме: Мақолада шарқ мутафаккирларининг маънавий-ахлоқий таълимотлари ва уларни бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида ғоявий омил сифатида қўллаш масалалари тадқиқ этилади. Шарқ фалсафасининг бой мероси ва ундаги ахлоқий қадриятлар, инсон камолотини шакллантиришга қаратилган ғоялар таълим-тарбия жараёнида муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади. Мақолада шарқ мутафаккирларининг педагогик ғоялари, уларнинг жамият ва шахс камолотига бўлган қарашлари таҳлил қилинади ва уларни замонавий ўқитувчиларни тайёрлашда ахлоқий сифатларни ривожлантиришда ғойдаланиш имкониятлари ўрганилади. Шунингдек, мақолада мазкур таълимотларнинг педагогика соҳасидаги методологик аҳамияти, ёшларнинг маънавий-ахлоқий қадриятларини мустаҳкамлашдаги роли ёритиб берилади. Тадқиқот натижалари бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий етуқлиги ва ахлоқий баркамоллигига таъсир кўрсатувчи муҳим омил сифатида тавсия этилади.

Резюме: В статье исследуются духовно-нравственные учения восточных мыслителей и вопросы их применения в качестве идейного фактора в процессе подготовки будущих учителей. Отмечается, что богатое наследие восточной философии и нравственные ценности в ней, идеи, направленные на формирование человеческого совершенства, имеют важное значение в учебно-воспитательном процессе. В статье анализируются педагогические идеи восточных мыслителей, их взгляды на совершенствование общества и личности, исследуются возможности их использования в развитии нравственных качеств при подготовке современных педагогов. Также в статье будет освещена методологическая значимость данных учений в области педагогики, их роль в укреплении духовно-нравственных ценностей молодежи. Результаты исследования рекомендуются в качестве важного фактора, влияющего на духовную зрелость и нравственное совершенствование будущих педагогов.

Summary: The article examines the spiritual and moral teachings of Eastern thinkers and the issues of their application as an ideological factor in the training of future teachers. It is noted that the rich heritage of Eastern philosophy and the moral values in it, ideas aimed at the formation of



human perfection, are important in the educational process. The article analyzes the pedagogical ideas of Eastern thinkers, their views on the improvement of society and personality, explores the possibilities of their use in the development of moral qualities in the training of modern teachers. The article will also highlight the methodological significance of these teachings in the field of pedagogy, their role in strengthening the spiritual and moral values of youth. The results of the study are recommended as an important factor influencing the spiritual maturity and moral improvement of future teachers.

Шарқ фалсафаси узоқ тарихга эга бўлиб, унда ахлоқ, маънавият, жамиятнинг ахлоқий қадриятларига оид тушунчалар марказий ўринни эгаллайди. Жамиятнинг маънавий ва ахлоқий қадриятлари билан боғлиқ тушунчалар Шарқ мутафаккирлари томонидан доимий муҳокама қилиб келинган. Улар жамиятдаги адолат, тинчлик, инсон ҳуқуқлари, маънавий-ахлоқий қадриятлар ва бошқарув каби масалаларга чуқур қараганлар. Бу мутафаккирларнинг фикрлари нафақат ўз даврида, балки кейинги асрларда ҳам илмий ва фалсафий фикрларнинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшган.

Шарқ фалсафасидаги асосий муаммолардан бири - бу инсон ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлардир. Шарқ мутафаккирлари инсоннинг маънавий ривожланиши орқали жамиятда адолат ва тинчликни таъминлаш мумкинлигини таъкидлаб келганлар. Масалан, Абу Наср Форобий ва Ибн Сино каби йирик мутафаккирлар фалсафий асарларида жамиятда маънавий-ахлоқий қадриятларнинг асосий ўрин тутиши ва уларнинг жамиятда адолатли бошқарувни таъминлашдаги аҳамиятини кенг ёритганлар. Улар фозиллик, билим ва ахлоқ-одоб қоидаларини жамиятдаги асосий қадриятлар сифатида кўриб, уларнинг инсон ҳаётига таъсирини чуқур таҳлил қилганлар.

Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий қарашлари ва уларнинг замонавий жамиятдаги аҳамиятини чуқурроқ тушуниш учун уларнинг фалсафий таълимотлари ва фикрларини чуқур ўрганиш зарур. Ушбу тадқиқотда Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий - фалсафий қарашларини кенгроқ ёритиш, уларнинг жамиятдаги ўрнини таҳлил қилиш ва бу қарашларнинг замонавий даврдаги аҳамиятини очиб бериш мақсад қилиб қўйилган.

Шарқ цивилизацияси узоқ ва бой тарихга эга бўлиб, унинг фалсафий қарашлари давомида турли маданиятлар ва диний анъаналар таъсирида шаклланиб келган. Бу қарашлар нафақат Шарқда, балки жаҳон цивилизациясининг ривожланишига ҳам катта таъсир кўрсатган. Шарқ мутафаккирлари ижтимоий - фалсафий қарашларида инсоннинг маънавий комиллиги, жамиятдаги адолатли бошқарув, ахлоқий қадриятлар, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар каби масалаларга алоҳида эътибор



қаратганлар. Уларнинг таълимотлари эса илмий ва фалсафий фикрлар ривожда муҳим аҳамият касб этган.

Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий қарашлари шаклланишида қадимги цивилизациялар - Миср, Вавилон, Ҳиндистон ва Хитой каби маданиятларнинг роли катта бўлган. Қадимги Мисрда жамият ва давлат бошқаруви, одиллик ва адолат каби тушунчаларни шакллантиришга ҳаракат қилинган. Вавилондаги Ҳаммурапи қонунлари эса адолатли бошқарув ва жамиятдаги ҳуқуқий муносабатларни аниқ қоидалар асосида белгилашга уринган дастлабки ҳуқуқий тизимлардан бири эди. Бу цивилизациялар ижтимоий ҳаёт ва бошқарув соҳасидаги илк фикрларни шакллантирган бўлса-да, уларнинг таъсири Шарқ фалсафасининг ривожланишига катта ҳисса қўшган.

Қадимги Ҳиндистонда эса Упанишадлар ва Ведалар фалсафаси инсоннинг маънавий ривожланишига, унинг ахлоқий қадриятларига катта аҳамият берган. Индуизм ва буддизм каби диний-фалсафий таълимотлар инсонни ўзининг ички дунёси ва маънавий камолотга етишга қаратилган ҳаракатларнинг марказида кўрсатган. Инсоннинг маънавий комилликка етиши жамият учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган. Ҳинд фалсафасида жамиятнинг асосий вазифаси инсоннинг маънавий тарбияси орқали фаровонлик ва барқарорликни таъминлаш деб қаралган. Бу фикрлар кейинчалик Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий ва ахлоқий қарашларига таъсир кўрсатган.

Шарқ цивилизациясининг шаклланишидаги яна бир муҳим элемент Хитой фалсафаси бўлиб, унда Конфуций ва Лао - Цзи каби йирик мутафаккирлар ижтимоий тартиб, ахлоқ ва инсоннинг маънавий ривожланиши ҳақидаги фикрларни илгари сурганлар. Конфуций ўзининг ижтимоий-ахлоқий таълимотида жамиятда ҳар бир шахс ўз ўрнини билиши, катта-кичikka ҳурмат ва масъулият ҳисси билан муносабатда бўлиши кераклигини таъкидлаган. Бу қарашлар жамиятда адолат, тинчлик ва ҳамжихатликни таъминлашда муҳим восита сифатида кўрилган.

Форс маданияти ҳам Шарқ фалсафасига катта таъсир кўрсатган. Зардуштийлик дини инсоннинг ахлоқий жавобгарлиги ва маънавий комилликка етишига катта аҳамият берган. Зардуштийлик таълимотига кўра, ҳар бир инсон ҳаёти давомида яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги танловга дуч келади ва унинг маънавий юксалиши ана шу танловга асосланади. Бу таълимотда жамиятнинг маънавий тузилиши инсоннинг шахсий ахлоқий фазилатлари билан боғлиқ деб қаралган.



Форс фалсафаси ва зардуштийлик Шарқ мутафаккирлари, айниқса, Форобий ва Ибн Сино каби мутафаккирларга катта таъсир кўрсатган. Улардаги яхшилик, ёмонлик, адолат ва маънавий тушунчалари кейинги асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикрларнинг ривожига йўл очиб берган.

Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий қарашлари шаклланишида Ислом цивилизациясининг таъсири бекиёсдир. Ислом дини инсоннинг маънавий ривожланишига, унинг жамиятдаги ўрни ва масъулиятига катта аҳамият қаратади. Куръони каримда инсоннинг ахлоқий фазилатлари, адолат, ҳақиқатга бўлган интилиш ва жамиятдаги ўзаро ҳурмат каби тушунчалар кенг ёритилган. Ислом мутафаккирлари инсонни олий маънавий кадриятларга етишиш учун илм ва маърифатга йўналтирган.

Ислом дунёсида йирик мутафаккирлардан Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд ва Ал-Ғаззолий каби олимлар нафақат дин, балки дунёвий илм ва фалсафа соҳаларида ҳам катта ишларни амалга оширганлар. Улар жамиятнинг маънавий тузилиши ва инсоннинг ахлоқий фазилатлари ҳақидаги фикрларини дин ва фалсафа билан уйғунлаштирганлар. Шарқ мутафаккирларининг Ислом фалсафасидаги таъсири энг катта аҳамиятга эга бўлган босқичлардан бири ҳисобланади, чунки улар инсон ва жамият ўртасидаги ўзаро боғлиқликни диний нуқтаи назардан таҳлил қилганлар.

Форобий ва Ибн Сино ижтимоий - фалсафий қарашларида жамият ва давлат бошқарувида фозилликни алоҳида таъкидлаб, бошқарувчиларнинг ахлоқий комиллиги давлатнинг адолатли бошқарилишига олиб келиши мумкинлигини уқтирганлар. Улар фикрича, маънавий етукликка эришган раҳбарлар жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлайди.

Ахлоқий тарбия инсон камолотининг асосий шартларидан бири бўлиб, ҳар бир жамиятнинг барқарорлиги ва маънавий юксалишига хизмат қилади. Ахлоқий кадриятлар жамиятда адолатли муносабатларнинг шаклланиши, инсонлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва масъулиятнинг мустаҳкамланиши учун муҳим восита ҳисобланади. Шарқ мутафаккирлари таълимотида ахлоқий тарбияга алоҳида эътибор қаратилган. Улар ахлоқни инсоннинг шахсий комилликка етишувидаги энг муҳим омиллардан бири сифатида кўришган. Ахлоқий тарбия инсоннинг нафақат шахсий ҳаётига, балки унинг жамиятдаги фаолиятига ҳам кучли таъсир ўтказади.

Ахлоқий тарбия ёшлар маънавиятини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ёш авлод ҳар бир жамиятнинг келажаги сифатида кўрилади ва ёшларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан шаклланиши уларнинг жамиятдаги ролига таъсир кўрсатади. Шарқ мутафаккирлари ёш авлодни ахлоқий тарбия орқали камолотга етаклашни муҳим деб ҳисоблаганлар.



Форобийнинг таълимотида ёшларнинг ахлоқий тарбияси уларни фозилликка, яъни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан етукликка етакловчи асосий омил эканлиги таъкидланади. Унинг фикрига кўра, маънавий тарбия олган ёшлар келажакда фозил инсонлар бўлиб, жамиятни бошқаришга қодир шахсларга айланадилар.

Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий қарашлари бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг ижтимоий ва ахлоқий таълимотлари нафақат инсон маънавиятини ривожлантиришга, балки инсон камолотини таъминлашга қаратилган. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда Шарқ мутафаккирлари томонидан илгари сурилган фалсафий ғоялар уларнинг ахлоқий фазилатларини шакллантириш, маънавий юксалишга йўналтириш ва педагогик фаолиятида масъулиятлилиқни оширишга ёрдам беради.

Бизнингча, Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий қарашларидан бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида ғоявий омил сифатида фойдаланишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим.

1. Ахлоқий тарбия ва маънавий юксалиш. Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий қарашлари ахлоқ ва маънавиятнинг ўрнини юксак баҳолайди. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Жомий, Навоий каби мутафаккирлар таълим-тарбия жараёнида ахлоқий тарбияни асосий элемент деб билишган. Улар инсон фақат маърифатли бўлиб қолмасдан, ахлоқий жиҳатдан ҳам етук бўлиши кераклигини таъкидлаганлар. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда бу ғоялар муҳим ўрин тутади, чунки ўқитувчилар ёш авлодга нафақат билим беришлари, балки уларни ахлоқий тарбиялашлари ҳам керак.

Форобийнинг “Фозил одамлар шахри” асарида фозиллик тушунчаси ўқитувчининг ҳам тарбиявий, ҳам маърифий вазифаларини ўзида жамлаган шахс сифатида ифодаланган. Унинг таълимотида ахлоқий етуклик ўқитувчи шахсининг муҳим жиҳати сифатида келтирилади. Шарқ мутафаккирларининг бу қарашлари бўлажак ўқитувчиларнинг шахсий ривожланиши ва уларнинг педагогик фаолиятида юксак ахлоқий стандартларга риоя қилишларига ёрдам беради.

2. Жамиятда маънавий қадриятларни мустаҳкамлаш. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий қарашлари жамиятда маънавий қадриятларни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Ўқитувчи — жамиятнинг маънавий ва ахлоқий етакчиси бўлиб, унинг ёш авлодни тарбиялашдаги вазифаси жуда катта. Шарқ мутафаккирлари инсоннинг маънавий камолотига эришишни таълим-тарбия



жараёнининг асосий мақсадларидан бири деб кўрганлар. Ибн Сино таълимда ахлоқий ривожланишни муҳим ҳисоблаб, инсонни маънавий юксалишга етаклаш учун ўқитувчи ўз ахлоқий фазилатлари билан намуна бўлиши кераклигини таъкидлаган. Шарқ мутафаккирларининг жамиятдаги маънавий кадриятлар ҳақидаги қарашлари ўқитувчиларнинг фаолиятини шакллантиришда қўлланилиши мумкин. Бўлажак ўқитувчилар фақатгина таълим бериш билан чекланиб қолмасдан, ёш авлодни маънавий юксалишга йўналтиришлари, уларнинг ахлоқий ривожланишига йўл кўрсатишлари керак. Бу жараёнда Шарқ мутафаккирларининг ғоялари ўқитувчиларнинг маънавий раҳбар сифатидаги вазифаларини кучайтиришга ёрдам беради.

3. Педагогик фаолиятда масъулиятлилик ва адолат. Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий қарашлари бўлажак ўқитувчиларни масъулиятли ва адолатли шахслар сифатида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Форобий ва Жомий каби мутафаккирлар адолатли бошқарув ва инсонларнинг шахсий масъулиятини жамият барқарорлиги ва ривожланиши учун асосий омил сифатида кўрганлар. Бўлажак ўқитувчиларга бу қарашлар ёшлар олдидаги ўз масъулиятини англаш, уларнинг таълим жараёнида адолатлиликка амал қилиш ва шахсий фазилатларини юксалтиришда ёрдам беради. Адолатлилик ва масъулиятлилик ўқитувчининг фаолиятида муҳим фазилатлар ҳисобланади. Ўқитувчи ўқувчиларга адолатли муносабатда бўлиши, уларнинг шахсий ривожланишига қўмаклашиши ва ҳар бир ўқувчига тенг имкониятлар яратиб беришда масъулиятли бўлиши лозим. Бу Шарқ мутафаккирлари томонидан илгари сурилган адолатли бошқарув ва шахсий масъулият тушунчалари билан мувофиқ келади.

4. Инсоний ҳуқуқлар ва кадриятларга ҳурмат. Шарқ мутафаккирлари инсон ҳуқуқлари ва кадриятларига ҳурматни жамиятнинг асосий пойдевори сифатида кўришган. Жомий ва Ал-Ғаззолий каби мутафаккирлар инсоннинг шахсий ҳуқуқлари ва кадр-қимматига ҳурмат кўрсатишни таълим-тарбиянинг муҳим қисми сифатида таъкидлаганлар. Бўлажак ўқитувчилар учун бу ғоялар жуда муҳим, чунки улар ёш авлодга инсоний ҳуқуқларга ҳурмат ва ўзаро ҳурмат асосидаги муносабатларни шакллантиришда намуна бўлади. Бўлажак ўқитувчилар инсон кадр-қимматига, унинг ҳуқуқларига ҳурмат билан муносабатда бўлишлари керак. Шарқ мутафаккирларининг бу қарашлари ўқитувчиларни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ёшларга бу кадриятларни сингдиришга тайёрлайди. Бу уларнинг фаолиятини янада самарали қилади ва ёш авлодни маънавий юксалишга етаклашга ёрдам беради.



Умуман, Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий қарашлари бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Ахлоқий тарбия, маънавий ривожланиш, инсоний ҳуқуқларга ҳурмат ва адолатли бошқарув тушунчалари бўлажак ўқитувчиларнинг шахсий ривожланиши ва уларнинг педагогик фаолиятида масъулиятли ва юксак ахлоқий стандартларга амал қилишига ёрдам беради. Шарқ мутафаккирларининг таълимотлари асосида шаклланган бўлажак ўқитувчилар ёш авлодга нафақат билим, балки маънавий юксалишга йўналтирилган тарбия ҳам берадилар, бу эса жамиятнинг умумий ривожига катта ҳисса қўшади. Уларнинг ижтимоий-фалсафий ва маънавий қарашлари ҳозирги даврда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмаган. Улар томонидан илгари сурилган таълимотлар ахлоқ, маънавият, адолат ва бошқарув каби тушунчаларни замонавий жамиятлар учун муҳим назарий асослар сифатида тавсия этади. Бугунги кунда таълим-тарбия тизимида, давлат бошқарувида ва жамиятнинг ривожланишида Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-маънавий қарашлари муҳим рол ўйнаши мумкин. Улар томонидан шакллантирилган ғоялар фақат тарихий аҳамиятга эга эмас, балки замонавий глобал муаммоларга нисбатан ҳам ечимлар таклиф этиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР:

1. Қурбонов У. Ўйғониш даврининг хусусиятлари ва ижтимоий-фалсафий фикрлар ривожланиши / ARES. Volume 4. Issue 9. 2023. –Б.292-298.
2. Мадалимов Т. Қадимги ҳинд фалсафавий манбаалари ва тадқиқот услублари / CARJIS. Volume 2. Issue 2. 2022. –Б.83-86.
3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.: Янги аср авлоди, 2016. –Б.211.
4. Хайруллаев М.М. Ўйғониш даври Шарқ мутафаккирлари. –Т.: Ўзбекистон, 1971. –Б.154.
5. Хайруллаев М.М. Шарқ Ренессанси ва Форобий. Фан ва турмуш, -Т.: 1994. –Б.15.
6. Маънавият юлдузлари. (Тузувчи ва масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев). –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999. –Б.56.

ISSN 2181-7138

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық
илим-изертлеу институтының Ж. Орынбаев атындағы Қарақалпақстан филиалы

**«МУҒАЛЛИМ ҲАМ ҮЗЛИКСИЗ
БИЛИМЛЕНДИРИЎ»**

№ 5

Нөкис — 2024

Басып шығыўға жуўапкер:

А. Тилегенов, С. Нуржанов

Баспаға таярлаған:

А. Тилегенов

Компьютерде таярлаған:

П. Реймбаев, З. Ниязымбетова

Мәнзил: Нөкис қаласы, Ерназар Алакөз көшеси №54

Тел.: +998 61 224-23-00, +998 61 224-01-34

e-mail: uzniipnkkf@mail.uz,

mugallim-pednaik@mail.uz

www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz

www.KRTEACH.UZ

Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан алынған үзіндилер «Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледі. Мақалада келтирилген мағлыўматларға автор жуўапкер.

Оригинал-макеттен басыўға рухсат етилди 09.09.2024. Форматы 70x100^{1/8}

«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.

Шәртли б.т. 31. Нашр. т. Нұсқасы _____ Буйыртпа №